

УДК:711.433

## НУКУС ШАҲАРИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ АРХИТЕКТУРАСИНИ ВА УНИНГ КЕЛАЖАҚДАГИ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

**Махмутов Т.Р**

Магистрант, Тошкент архитектура-қурилиш институти.

E-mail: [Talgat\\_94\\_18@mail.ru](mailto:Talgat_94_18@mail.ru)

**Салимов О.М**

Илмий раҳбар проф.

Тошкент архитектура-қурилиш институти.

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Нукус шаҳрининг мустақиллик йилларидаги меъморчилик ва шаҳарсозлик соҳасидаги қўлга киритилган амалий тажрибалар, ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар илмий ўрганилиб, бу илмий меросдан замонавий меъморчиликнинг истиқболдаги тараққиёти учун самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Шаҳар, қурилиш материаллари, истехқом, кўкаламзорлаштириш, таълим-тарбия, хиёбон, гулзорлаштириш, майдон, бунёдкорлик.

Нукус шаҳри Қорақалпоғистон Республикаси марказий қисмида жойлашган. Амударёнинг ўнг соҳилида. Денгиз сатҳидан 76 метр баландликда. Жануб ва шарқда Қизилқум чўли билан ўралган. Шимолда Амударё дельтаси билан туташ Қизкетган канали шаҳарни кесиб утади.

Шаҳарнинг иқлими континентал, ёзи қурғоқ ва иссиқ. Қиш пайтида қиска муддатли қаттиқ совуқ бўлиб туради.

Нукус шаҳрининг умумий майдони 200 кв.км, дан зиёд, аҳолиси 300 минг киши. 1930 йил 12 ноябрда Нукус шаҳрини республика пойтахтига айлантиришга қарор қилинди. 1939 йилда республика маъмурияти Нукус шаҳрига кўчиб ўтди. Шаҳарда 100 дан ортиқ саноат корхоналари, жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари билан ҳамкорликдаги қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Металсозлик, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, енгил саноат, ёғочсозлик ва матбаа саноатлари тараққий топмоқда. Германия, Англия, Япония,

Россия, Корея, Хитой, Канада, Туркия, Саудия Арабистони, Украина мамлакатларидаги шериклар билан самарали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганлар.

Ҳозирги Нукус шаҳри худудидаги дастлабки одамлар эрамиздан аввалги IV-III асрларда яшай бошлаган. Шаҳар худудининг марказий қисмини эгаллаб турган Шурча қалъаси тарихи 2000 йилдан зиёд даврни ўз ичига олади. Археологик тадқиқотлар Шурча қалъасида милоддан аввалги IV аср ва милоднинг IV асрлари оралиғида ҳаёт мавжуд бўлганлигини, бу қадимий Хоразм давлатининг шимолий-ғарбидаги истехком қалъаларининг бири бўлиб, чегарани кўриқловчи ва Амударё орқали сув йўлини назоратга олувчи кўрғон бўлганлигини кўрсатмоқда.

Мана 30 йилдирки, Республикамиз мустақил демократик, ижтимоий-маънавий ҳаёт, сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий тараққиёт йўлларини босиб келмоқда. Нукус шаҳри ҳам ана шундай мураккаб ва маъсулиятли йўлни бошидан кечирмоқда. Шаҳримиз ўзининг кўп йиллик таваллуд тўйини шарафли нишонлади. Шунча ёшга кирган шаҳар учун кўп йиллик тараққиёт бу кўҳна тарих олдида айтарлик муддат эмас. Бироқ, ана шу йиллар ичида Нукус шаҳри ижтимоий моддий ва маданий ҳаётида кўзга кўринарли, эътиборга лойиқ ва катта ишлар бажарилди. Мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб Республикамизнинг биринчи Президенти бўлган И.А.Каримов мамлакатимиз пойтахти Тошкент ва бошқа нуфузли ҳамда тарихий шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, шаҳарсозлик ва меъморчиликнинг ривожига катта эътибор қаратган эди. Биринчи Президентимизнинг нигоҳи тушган ана шундай шаҳарлардан бири Нукус бўлди. Нукус шаҳрида биз сўз юритаётган соҳадаги ишлар бир неча йўналишларда олиб борилди.

**Улардан биринчиси** шаҳар кўчалари, майдонлари, унинг энг нуфузли таркибий қисмларини Мустақиллигимиз ривожига, истиқлол мафкураси, аҳолининг маиший турмуш тарзи ва бозор иқтисодиёти талабларига мос ҳолда тартибга тушириш бўлди.

**Иккинчи йўналиш** бу шаҳар худуди бўйлаб янги ижтимоий тараққиёт тамойилларига асосланган маиший-маданий турмуш, таълим-тарбия, илм-фан ва иқтисодий тараққиёт, саноат ва ишлаб чиқариш бозор ва савдо объектларини кўриш ва жойлаштириш бўлди.

**Учинчи йўналиш**, бу Нукус шаҳрининг тарихийлиги ва умумжаҳон мавқеини эътиборга олиб шаҳарнинг тарихий қисмини, ундаги меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш, қайта тиклаш, замонавий ижтимоий ва туризм мақсадларига мослаштириш ва шу йўл билан уларни келажак авлодлар учун асраб қолиш соҳасидаги ишлар бўлди.

**Тўртинчи йўналиш**даги ишлар эса аҳолининг дам олиши, шаҳар иқлими, экологияси ва ландшафтини яхшилашга қаратилди, яъни ташқи очик муҳитни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, гулзорлаштириш, янги боғ ва парклар, хиёбонлар ташкил қилиш ва шакллантириш бўлди.

**Бешинчи йўналиш** эса шаҳар коммунал ҳаётини яхшилаш, муҳандислик ободонлаштириш ва жиҳозлаш, бу ишларни амалда жонлантиришга қаратилди.

Маълумки, бу йўналишларнинг барчаси меъморчилик ва шаҳарсозлик ҳамда шаҳар қурилиш ишлари билан боғлиқдир. Айнан шу мақсадда Мустақиллик йилларида Нукус шаҳрини ривожлантиришнинг 2025 - йилгача мўлжалланган шаҳарсозлик бош режаси ишлаб чиқилиб тасдиқланди ва фойдаланишга топширилди. Унда юқорида кўрсатилган барча йўналишлардаги ишлар ўз аксини топган.

1. Шаҳар кўчалари, майдонлари, унинг энг нуфузли таркибий қисмларини мустақиллигимиз ривожини, истиқлол мафкураси, аҳолининг маиший турмуш тарзи ва бозор иқтисодиёти талабларига мос ҳолда тартибга тушуриш соҳасидаги тажрибалар;

2. Шаҳар ҳудуди бўйлаб янги ижтимоий тараққиёт тамойилларига асосланган маиший - маданий турмуш, таълим - тарбия, илм - фан ва иқтисодий тараққиёт, саноат ва ишлаб чиқариш объектларини қуриш, жойлаштириш ва уларнинг архитектураси;

3. Нукус шаҳри ва Қорақалпоқ Республикасидаги мавжуд меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш, қайта тиклаш, уларни замонавий ижтимоий ва туризм мақсадларига мослаштириш тажрибалари;

4. Аҳолининг дам олиш, шаҳар иқлими, экологияси ва ландшафтини яхшилашга қаратилган, яъни ташқи очик муҳитни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, гулзорлаштириш, янги боғ ва парклар, хиёбонлар ташкил қилиш ва шакллантириш.

Нукус шаҳрининг мустақиллик йилларида - яратилган архитектура иншоотлари ва комплекслари, шаҳарсозлик ансамбллари ва бунёдкорлик ишларини диққат билан кўзатар эканмиз, уларга хос бўлган муўъжизакор мунаққашлик ва табиий манзаралар ҳамоҳанглигини, улар муҳитидаги орасталик, изчил меъморий тартибот, халқ амалий санъатининг юксак меъморий туйғуларини хис этамиз. Афсуски, ана шу муҳим ва юксак меъморий фазилатлар ҳозирги кунда айрим туман марказлари ва қишлоқларимизда яратилаётган бино ва иншоотлар муҳитига этишмай тўрибди. Биз ишонамизки, мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг бунёдкорлик ишларида акс эттирилган моддий маданий қадриятларимиз ҳалқимиз тафаккурини янги имкониятлар сари етаклайди.

Бугунги кунда Нукус шаҳри ўзининг ақлу-заковати ва шижоати билан жаҳонга танитаётган, шаҳримизнинг ижтимоий-маънавий, маданий-маърифий, иқтисодий, таълим-тарбия ва барча бунёдкорлик ишларининг ҳақиқий меъмorigа айланган юртдошларимизга биз ҳам ўз тасанноларимизни айтиш билан фахрланамиз.

Шаҳар ўзининг қурилиш-бунёдкорлик соҳасидаги эришган ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланади. Қурилиш корхоналари шаҳарда ўнлаб мухташам, замонавий маъмурий ва турар-жой бинолари бунёд этди, кенг ва равон йўллар кўриб битказилди. Иншоотларда халқ анъанавий меъморчилиги намуналари билан замонавийлик уйғунлашган ҳолда қурилмоқда. Қурилиш-ёғочсозлик материаллари эса, шу ернинг ўзида қайта ишлов берилмоқда.

Ҳозирги вақтда Нукусда барча талабларга жавоб берадиган транспорт тармоғи шаклланган. Барча автокорхоналар замонавий русумдаги автомобиллар билан таъминланган. Айниқса, шаҳарлараро қатнов тез ривожланмоқда.

Темир йўл тармоғидаги янгиланишлар истиқлол меваларидан бири бўлди. Учкудуқ-Нукус темир йўл тармоғининг қуриб ишга туширилиши натижасида Тошкент ва Нукус орасидаги масофа янада яқинлашди. Айни вақтда, поездлар қатновининг фақат Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилишига имкон яратилди. Бунинг иқтисодий ва ижтимоий самаралари беқиёсдир.

Алқисса буларнинг хаммасидан келиб чиқадиган хулоса шуки, Нукус шаҳрининг ижтимоий - иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, бугунги авлод шаҳримизнинг келажак тараққиёти учун муносиб бўлган пойдевор ғиштини қўймоқда. Шубҳасиз, ҳали бу келажакда бўладиган буюк бунёдкорлик ишларнинг дебчаси холос.

Шундай қилиб, бугунги авлод боболаримиз қолдирган буюк меросни асраб - авайлаш, унинг юксаклигидан, бебаҳолигидан фахрланиш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Шу гулшан дурдоналари ёнига муносиб дурдоналар қўшмоқдалар. Меъморий - маънавий меросимиз хазинасини бойитмоқдалар ва бу шиддат, азму иштиёқ, ижод асло сўнмас, тобора алангаланиб, ривожланиб боражак.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. Урынбай Торениязов. «Мен – архитектор Торениязов...»
2. Кидирбаев Б.Ю. Формирование и пути развития монументально декоративного искусства в современной архитектуре Каракалпакстана...2020г
3. Уралов А.С., Шнекеев Ж.К., Еримбетов И. Нукус шаҳарсозлигида иқлим шароитлари ва ободонлаштириш...2021г